

---

## Амалий семинар:Такрорий экин учун ер майдонлари ажратилди

1-сектор ҳудудида кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга буғдойдан бўшаган ер майдонларидан такрорий экин экиш учун ер ажратиш бўйича амалий семинар бўлиб ўтди. Унда тўртта сектор раҳбарлари, тумандаги мутассади ташкилот ва корхона раҳбарлари ҳамда маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари иштирок этишди. Семинарда туман ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабоев иштирок этиб, "Темир дафтар"га тушган хонадонларни камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар, такрорий экин экилишида уларга кўмаклашиш борасида олиб борилиши керак бўлган амалий ишлар юзасидан тушунчалар берди. Семинар давомида 1-сектор ҳудудидаги 12 та оилага 20 сотихдан такрорий экин учун ер майдонлари ажратилди. [http://t.me/toshloq\\_axborot\\_xizmati](http://t.me/toshloq_axborot_xizmati)

2020-06-16 20:26:44